



Тўгрисини айтсам, қуий синжаларда чет тили фанига уччалик қизиқишим йўқ эди. Узбекистонимиз ўз мустақиллигини қўлга киритиб, жаҳонга юз тутаётган ҳозирги шароитда чет тили, айнича, инглиз тилининг нечолик аҳамияти катта эканлигини тушуниб етдим.

"ТИЛ БИЛГАН — ЭЛ БИЛАДИ"

2-БЕТ.

У ДЕЙДИКИ: "Тун билан сирдошман. Лекин тун чўкканда гулнинг хўрсинишига ачинаман. Чунки..

Тунни севолмайди очилган гуллар Кўрқади шамолнинг қийноқларидан.

**"КЕЧМИШНИ ХАЁЛДА
КЕЧИРИШ ҲАМ БОР"**

3-БЕТ.

Биринчи китобчаси чиқсан одамнинг хол рӯҳиятини ҳеч кўрганимисиз? У дўсту ёрининг кўзига "қачон мени табриклар экан", деб тикилиб туради. Жудаям сабри чидамай, юраги тошиб кетса, "менинг китобим чиқди" деб кўрсатади.

"КИТОБЧА МУБОРАК!"

4-БЕТ.

ТОНГ ЮЛДУЗИ

Ўзбекистон Балалари ва ўсмирларининг газетаси


№32

(6550)

22 сентябр, 1993 йил

ЧОРШАНБА

Сотуна да эркин нархда.



ОБУНА - 94

Болалар, сизлар ҳам таажжубга тушаётган бўлсангиз керак, "Нега бу йил ҳеч бир газета ва журнал обуна ҳақида жар солмаяпти", деб. Бунинг ўз сабаблари бор. Биринчидан, нарх-наволарнинг бекарорлиги боис қоғоз нархи, нашр этиш харажатлари ва поча хизмати қийматининг ўзгарувчанигидан ўз вақтида обуна баҳосини белгилашининг имкони бўлмади. Иккинчидан, кўнглимизда бир ҳадик бор. Сиз "Тонг юлдузи"нинг обуна баҳосини қиммат деб ўйламасмикансиз?! Гарчанд, шундай бўлсада, биз сизга ишонамиз. Барча имкониятларингизни шига солиб, ёзда меҳнат қилиб топган жамғармангиздан ёки ота-онангиздан 3 мингу 840 сўм олиб, севимли газетангизга обуна бўласиз. Лекин ростини айтсак, буунчалик қиммат ҳам эмас. Ахир бозордаги бир дона оддий қоғоз халта 50 сўм, музқаймоқ — 100 сўм, чайнар сақич — 150-200 сўм бўлган бир пайтда бир нусхаси 40 сўм бўлган "Тонг юлдузи" — арzonда. Ўлаймизки, сиз ҳам шундай деб, ота-онангизни севимли газетангизга обуна бўлишига кўндирасиз.

Обуна баҳоси:

ЯРИМ ЙИЛГА — 1.920

1 ЙИЛГА — 3.840 сўм,

Сиз 1994 йилда "Тонг юлдузи" саҳифаларида: ўгай она дастидан дарбадарликда юрган Қодирнинг қисмати, ўзга сайёralарга учмоқчи бўлган Сардор ҳақидаги мақолаларни ўқийсиз.

Шунингдек, "СЕНИНГ ҲАҚ-ХУҚУКИНГ", "ШАНБА — ОТА-ОНАЛАР КУНИ", "МУНОЗАРА", "ҮҚИТУВЧИ ВА СЕН" каби саҳифаларда бериб бориладиган мақолаларни ўқиб зерикмайсиз.

Ф. СП-1



Ўзбекистон Алоқа вазирлиги «Матбуот уюшмаси»
"ТОНГ ЮЛДУЗИ" 64563

(нашр номи)

(нашр кўрсаткичи)

Рўзномасига ОБУНА

обуна сони

1994 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи)

(мажноз)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

Рўзномани ЕТНАЗИШ ВАРАҶЧАСИ

П.В.	Жойи
------	------

64563

(нашр кўрсаткичи)

"ТОНГ ЮЛДУЗИ"

(нашр номи)

обуна баҳоси сўм обуна сони

янги ман- вилга юбориш баҳоси сўм

1994 йил учун (ойлар бўйича)

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	12

Қаерга

(почта кўрсаткичи) (мажноз)

Кимга

(насаби; исми ва отаси исмининг бош ҳарфлари)

Яқинда автобусда кетаётіб, бир воқеанинг гувохи бўлдим. Автобусда одам кўп, ўриндиқлар эса асосан ёши катта йўловчилар билан банд. Ўрта эшик олдиаги ўриндиқдагина ниҳоятда дид билан кийинган, пардозу андозларини жойига қўйган уч нафар қиз ўтиришарди. Аллақандай чет эл кийимлари, соч бўёклари, оёқ ки-

қизлардан жой беришларини илтимос қилди. Улардан бири ҳатто қайрилиб қарашни ҳам лозим топмай, жавоб қайтарди: "Биз ҳам одаммиз, кечгача ўқиб, чарчаб келяпмиз". Шунда уларнинг орқасидаги ўриндиқда ўтирган ўрта ёшли киши кампирга жой бўшатди...

Умрида Ўзбекистонда бўлмаган,

лекин манбаалар, китоблар орқалигина маълум тасаввурга эга бир чет элликдан сўрашибди: "Сиз ўзбек қизларини қандай тасаввур қиласиз?" Шунда у: "Ўзбек қизлари менинг назаримда дунёда энг кучли шарм-ҳаё ва латофат эгалари дидлар" деб жавоб қайтарган экан. Ҳалиги қизларнинг ҳатти-харакатларини кузатар эканман, беихтиёр ҳаёлимдан шулар ўтди.

Ажнабийлар

тасаввурнидаги латофатли қизлар шуларми? Нодирабегим, Увайсий, Барчиной қалдирғочларнинг аждодлари қани? Ҳаёлимдан шу хусусдаги фикрлар кечар экан, ҳозиргина дилимизни оғритган қизларнинг ота-оналари ҳақида ўйлаб қолдим. Кейинги пайтда бундай "замонавий" қизларимизнинг кўпайиб кетаётгани сир эмас. Кўпчилик аёлларнинг ўзаро суҳбатига қулоқ тутсангиз, улар "қизим бирор юмушни ўрганиб олди, унга рўзғор тутиши ўргатяпман" деган гаплар ўрнига "қизимнинг сарпосига фалон сўмга фалон матодан олиб қўйдим" деган гаплар кўпроқ учрамоқда. Назаримда бундай ота-оналар қизларининг баҳтидан кўра, кўпроқ тахти ҳақида қайгуришаётгандек.

Умид қиласманки, кунлар келади! Биз Увайсий нодирабегимларнинг иболи қизларига айланамиз.

Наргиза ТЎРАЕВА,
Яккасарой туманинага
118-мактабнинг 11-“А” синиф
ӯкувчиси.

ЯНА ҚИЗЛАР ҲАҚИДА

йимлари ҳақида рус тили билан ўзбек тилини "қориштириб", шу даражада шангиллаб гапиришардиларки, гўё автобусда улардан бошқа ҳеч ким йўқдек...

Автобус навбатдаги бекатда тўхтаганда, бир қўлида халта, иккинчи қўлида ҳасса тутган онахон чиқди. Ёшлар жой беришар, деган илинжда уларнинг ёнига келиб турди. Қизлар эса жой беришини хаёлларига ҳам келтиришмасди. Кампирга бошдан-оёқ назар ташлаб яна гапларида давом этавериши. Бу холдан таъсиранган ўрта ёшли бир аёл



Невъматжон ТУРДИЕВ. Наманган вилояти, Чорток туманинага 4-мактабда ўқииди. Иқтидорли болаларнинг II Республика фестивали қатнашчиси. Шеърлари матбуотда аввал эълон қилинган.

У ДЕЙДИКИ: "Тун билан сирдошман. Лекин тун чўкканда гулнинг хўрсинишига ачинаман. Чунки...

Тунни севолмайди очилган гуллар
Кўрқади — шамолнинг қийноқларидан.

— Невъматжон, агар қарши бўлмасант, кел, бугунги суҳбатимизни аввалингилардан ҳийла ўзгачароқ, яъни шеър таҳлили устида фикрлаш билан бошласак.

Ёмғирлар савалар болалигимни,

Фасллар тушларин экади — кўлча.

Сочи — оқ, кўзлари қорачиғида

Чорлайди туманлари қутурган йўлдан.

"Болалик" деб номланган шеъринг шундай бошланади. Агар иложи бўлса, ушбу машҳингни атрофлича тушунтириб берсант.

— Одатда, болалик ҳақида шеър оддий, тушунарли, силлиқина ёзилиши керак. Ҳар қалай бурунгилар шундай дейишарди. Лекин бугунги кун шеърияти бунга бўйсунмайди, деб ўйлайман. Чунки шеъриятни қолиплаб бўлмайди.

Шеър таҳлилига келсак, "Ёмғир" — бу метафорик образ. Саволларнинг тўклиши. Болалигинг ўтмоқда, ул-туриб-ултурмаган ишларинг

сарабмасми? Қаёқларга кетмоқдасан, нега етмоқчисан? Кексаликкими, ана у — "соҳи оқ" туриби, туманларга ўралган болалик йўлидан сени чорлаб, "Чорлаш" — бу умринг ҳисоб-китоби.

**Болалик тўхтади, қолди
чанг ютиб,
Дилнинг буржларида**

Кичкина одам билан катта суҳбат

ШОИР АБДУВАЛИ
ҚУТБИДИНГА

Тоғларни кўзида булут
сузмайди,
Каҳрни тилидан дил гул
узмайди,
Оққушлар тун бўйи
қафас бузмайди,
Биз шоир эмасмиз —
биз Абдували.

Азонлари моҳ меҳридан
қонолмайман,

Мен кунлари ку-у
ул бўламан, ёнолмайман.
Фақат синиқ руҳдангина
тонолмайман,
Биз шоир эмасмиз —
биз Абдували.

Шоир бўлсан...
Күшлар ишғлариди
ортилизга қараб,
Кўкларга қараб
ҳайқиравмиди анҳор.
Ой ҳам қоларми
пиқиллаб...
Биз шоир эмасмиз —
биз Абдували.

... Алмисоқдан қолган
қоғия тун-кун...
Мавзу ҳам йўқ
қора тундан ўзга.
Ташбеҳлар ҳам ўша-ўша,
Оҳорлари тўқилган
баҳор...

ЖЕЧМИШНИ ҲАЁЛДА КЕЧИРИШ ҲАМ БОР

Ҳислар синади.
Тургандек камалак

ёмғирни кутуб,

Руҳимга бир буюк умид энади.

Яшашга шошмайман —

Болалик!

Ана энди у югураётгани йўқ, йўлнинг "чанг" ларин ютмоқда, у тезроқ улграйиш "ҳислар" ини бир оз шоширмай, "болалик кўчаси" нинг қувноқликларига тўймоқчи. Хуллас, бир сўз билан айтганда, кечмишини хаёлдан кечириш ҳам бор. Буни болалика қайтиши орзулари дейдилар.

— Невъматжон, шеърларинги тенгдошларинг "ҳазм" қилиши қийин эмасмикан?

— Шеъриятда шундай гап бор, шоир ўзига тегишили бўлган майдоннингина эгаллайди. Бу унинг ҳақиқатга етгани. Бошқаларнинг у кашф этган майдонга кириш-кирмаслиги — уни қизиқтиримайди.

— Демоқчисанки, санъат-санъат учун хизмат қилади.

— Эҳтимол шундайдир.

— Ҳар қандай ижодкор улграйishi билан унинг ҳаётга қараши ўзгариб, инсон руҳиятига тобора қизиқиши орта боради. Демак, унинг борлиқдаги нарса,

муносабати ҳам ўзгариши табиий. Бунда кечагина қувноқлик рамзи бўлиб хизмат қилаётган образлар, орадан кўп вақт ўтмай, ўзгариш ясад, қандайдир ҳазин, мунгли ҳиссиятларга ошно тутунади. Албатта, бу оралиқ масофани улграйиш фасли, деб атасак ҳам ярапади. Демоқчиманки, кечаги ва бугунги

шоирниг орасида фарқ, яъни мукаммалликка эришиш изланишлари сезиладими?

— Албатта, бу табиий жараён. Масалан, ушбу шеъримни олайлик. Яна руҳга сингар тиланчи оқшом, Ҳўрсиник мудрайди гулнинг дилида. Бу — тундан мўъжизалар кутаётган қувноқ мен ва бунинг тамомида акси бўлган "ҳўрсиник" ла тонгни кутаётган интиқ гул ҳақида. Чунки гулнинг қуёш нурларисиз яшаши оғир... — Тундан мўъжизалар кутишга сабаб нима?

— Чунки тун ёзиш учун яратилган имкониятдир. Балки у шу тунда мўъжиза яратар ёки ҳеч нарса яратмас. Ҳёте айтмоқчи: "йўқоттаним фақат вақт" бўлар. Кун-ўлик вақт. Шоир ухламоқда.

Тун — тилаб олинган бир кунлик етим бола. Шоир безовта, ёзади-ўчиради, ўчиради-ёзади, минг йиллик қайтариқ.

Тонг — бир кунлик умр ўтганига бонг. Шоир нима қилди? Ҳеч нарса. Ёзган-ўчираган, ўчираган-ёзган...

Шоир ухламоқда. Лекин қўзларида нимадир яратиш заҳмати бор — кўза синар бир куни.

Суҳбатдоши:
Шакар СҮННАТОВ.

ТИЛ БИЛГАН — ЭЛ БИЛАДИ

Тўғрисини айтсан, қуий синфларда чет тили фанига уччалик қизиқишим йўқ эди. Ўзбекистонимиз ўз мустақиллигини қўлга киритиб, жаҳонга юз тутаётган ҳозирги шароитда чет тили, айниса, инглиз тилининг нечоғлик аҳамияти катта эканлигини тушуниб етдим. Дарсларда инглиз тилидан сабоқ олиш билан бирга, мактабимиз қошида ташкил этилган инглиз тили тўгарагига ҳам аъзо бўлдим. Тўгарак машгулотларимиз устозларимиз Муборак опа Раҳмонова ҳамда Номозжон ака Омонов раҳбарлигига жуда қизиқарли, жонли сухбатлар, савол-жавоблар тарзида олиб борилаётгандигиданми, инглиз тилига ҳам ўз она тилимиздек меҳр кўйганмиз.

Авваллари чет элларга чиқиш, у ерларда яшаб келиш ҳақидаги гаплар етишиб бўлмас бир орзудек тувлар эди. Ҳозирда эса биз ёшлар учун жаҳон эшиклари кенг очилган. Орзуга айб йўқ деганларидек, инглиз тилини ёшлиданоқ мукаммал эгаллаб, кўлгусида чет элларга чиқиб ишлаш ниятидамиз.

Матлуба УСМОНОВА,
Фарғона вилояти, Бувайда туманидаги 12-мактабнинг 7-синф ўқувчиси, инглиз тили тўгараги аъзоси.



Ҳавасим келди

Дугоналарим Нигора ва Холида ўтган ўқув йилида мактабимиз қошида фаолият кўрсатаётган "Моҳир қўллар" тўгарагига аъзо бўлишган эди. Зеҳни қизларнинг бир ой ичида тикиш, тўқиши ишларига анча қўллари келишиб қолди. Ҳатто кўрик-тандовда ҳам иштирок этиб, 1-уринни қўлга киритиб қайтиши. Ёзги таътил давомида эса улар устозларидан олган сабоқларини амалда мустаҳкамлаш учун ўзларига, опа-сингилларига турли қўйлакчалар тикиши, пайпоқлар тўқиши. Уларнинг машгулотларини кузатар эканман, чевар дугоналаримга ҳавасим келди.

Бу ўқув йилида эса мен ҳам бичиши-тиши тўгарагига аъзо бўлдим. Эндиликда устозимдан жажжи-жажжи кийимлар тикиши маҳшени оляпман.

Рухсора УСМОНОВА.
Самарқанд вилояти, Нарпай туманидаги 24-мактаб ўқувчиси.



ТАБТИЛДА САЁХАТГА



Ўтган ўқув йилида мактабимизда синфлараро темир-терсак йиғиш мусобақаси уюштирилган эди. Бў мусобақа ўқишилар тугалланиши арафасида якунланди. Мусобақа шартларига кўра, энг кўп темир чиқиндилари тўплаган синф голиб деб топилиши ва тоқقا бепул саёҳатга бориши лозим эди.

Мусобақада 8-“Б” синф ўқувчилари голиб, деб топилди. Ёз-

Оқдарё тумани М. Улутбек номидаги мактаб ўқувчиси.

— ҚИРҚИШ ЧИЗИҒИ



ҲУРМАТЛИ ГАЗЕТХОНЛАР!

Обуна варақасини беҳато тўлғазишга ҳаракат қилинг!
Агар обуна «Союзпечать» агентлигига расмийлаштирилган бўлса, касса аппаратининг муҳри, алоқа бўлинмаларида расмийлаштирилганда эса календарь штемпели, албатта, бўлиши керак.

Бу ҳолда обуначиларга абонемент билан бирга пул қабул қилинганилиги ҳақида квитанция берилади.

АЗИЗ ОБУНАЧИ ҮРТОҚЛАР!

Газета ва журналларга обуна варақасини сиёҳли ручка-ларда, хатосиз, сўзларни қисқартирмасдан ва тушунарли қилиб тўлғазинг. Обуначи ўз турар-жой адреси, исм ва фамилиясини аниқ ёзиши талаб этилади.

Обуна варақасидаги «ПВ-МЕСТО» деган ёзувли катакларни алоқа бўлинмалари ва «Союзпечать» агентликлари тўлдиради.

Фарғона вилояти, Ўзбекистон туманидаги ёш табиатшунослар станцияси болаларнинг мактабда ботаника, биология каби фанлардан олган билимларини тажрибада синаб кўришда катта қўмак бермоқда. Ёшлар бу ерда ўсимликларни етиштириш, уларни парваришлаш, пайвандлаш ишлари билан шуғулланадилар. Богдорчилик ва гулчилик тўгарагининг ишқибозлари олиб бораётган машгулотлар ҳам жуда қизиқарлидир. Тўгарак аъзолари раҳбарлари — биология ўқитувчиси Гулнора опа Абдуллаева бошчилигида мевали ва манзарали дарахтларнинг, ўсимликларнинг йўқолиб бораётган навларини етиштириб, уларни парваришлашга янти.

Суратда: Гулнора опа тўгарак аъзоси Нигора Сайдуллаевага дарахт терисидаги ўзгариши тушунтирмоқда.

Р. АЛЬБЕКОВ суратга туширган.



(Охир. Бошланиши ўтган сонларда).

Шу режага мувофиқ лашкар 1404 йил 27 нообрда Самарқанддан узоқ сафарга йўл олди.

Дастлаб юриш бехатар ва осоишта борди. Отлар илдам, чериклар эса бардам кетиши. Кечалари қозонлар қайнаб, гулханлар порраб турди. Энг хатарлар чўл бўрони эди. Очиқ чўлда, қаттиқ совуқда, ерга қор тушталган маҳалда у гоят таҳлили. Бўрон бошланганда ҳаммаёш оқ тусда, магрибу-машриқнинг фарқи қолмайди.

Қирғиз чўлида лашкар ана шундай балонинг даракчиларига дуч келди. Бўрон кучайб, изгирин қутурди. Бундай вақтда гулхан ҳам,

юборса... Мавлоно Фазлуллоҳ бошчилигидаги табиблар хилмакил муолажалар бошлашди.

— Кўшин ҳолимни билмасин, — деди секин Темурбек суюкли рафиқасига.

— Баш устига, бегим, — илтижоли қўзларини узмай деди Бибихоним. Аммо шум хабар яшин тезлигидек ўтовдан ўтган эди. Жой-жойларда беку-амирлар хуфёна маслаҳатлар кура бошладилар. Ўттиз беш йилдан бери Темурбекнинг адолатли қўли остида димиқиб ётган фитна девлари гимирлаб қолиши. Чўлу биёбонда адашиб ҳолдан тойтан йўловчи йиқилишини пойлаб атрофда изргиган қўзгунлар мисоли саркардалар, амиру-беклар, шаҳзодалар уларнинг отликлари соҳибкорон ўтви атрофда уймалашиб қолиши.

Кунлар устидан кунлар ўтса ҳам дард енгиллашмай баттар хуруж қила бошлади. Бемор тўшаги устидан кунутун мижжа қўқмай ўтирган Бибихонимнинг эса умид шамчироги ҳали сўнмаган эди. У тантрига тинмай илтижол қилиб мўъжиза кутарди.

Темурбек оёқ томонида пойгакда жойлашган амиру бекларга кўзи тушди. Ҳол-аҳвол сўрашишча уларга сўнгти амрини баён қила бошлади:

— Маълумотингиз бўлгайким, Ҳаёнгир Мирзонинг фарзанди Пир Муҳаммад Мирзони валиаҳд этиб тайинлайдурман, токи Самарқанд таҳти ва аркони давлат анинг ҳукми фармонида бўлгай. Мамлакат ва миллатнинг осойиштаги, қўшин салоҳити-нинг мукаммалити, раиятнинг хотиржамлиги борасида фойдали тадбирлар кўрсинг. Бинобарин, сизлар ҳам итоат ва эҳтиром борасида унга байтат билдириб, салтанатни бошқаришда, эл-юртнинг тинчлиги, мусулмонларнинг осойиштагиига умумжиҳат бўлиб, қўмаклашмогингиз лозим. Чунончи, сизларнинг ҳамжиҳатлик ва иттифоқ билан қўлган ишларнингиз узоқ-яқиндаги дўст-дushmanларга қўриниб турсин, токи ўзаро низоларга ўрин қолмагай. Билтакс ўзаро низолар вужудга келиб, барҳам топгай. Инчунин, менинг кўп йиллик саъи-ҳаракатларим зое кеттайди...

Буюк баҳт юлдузи соҳиби, кумоюн-шавкатли, ҳамкори офтоб, давлати турк — Турк давлатининг курдатли кўёпи ҳамда онҳазрат — улуғвор шоҳ деб таърифланган Амир Темур оламдан кўз юмди.

Ташкент — Москва — Самарқанд.

Қарши — Термиз — Шахрисабз. 1970-1991 йиллар.

иссиқ овқат ҳам бўлмайди. Чериклар отлардан тушди, ҳалқа досил қылганча фурсат кутди.

Темурбек қўмандонлигидаги марказий қўшин ўтрорга етиб келди.

Темурбек қўшин руҳи кўтарилигини сезди. Сартарош ишини тутатгандан сўнг мамнун ўрнидан турди. Шу вақт юзига дард кечикимиз совуқ ўралаб, бадани сезсанди. Ҳеч кимга бу ҳолни сездирмай ўтвога бардам қадамлар ташлаб кириб кетди. Бу не ҳол? Қарилкими? Ички титроқ бутун вужудига ўрмалаб, ранги ўзгара бошлади.

Темурбек қарсак чалиб, навхарбони чакириди.

— Дарҳол май келтир!

Балки, бу титроқ ўтирик майдан тарқалиб кетар деб ўйлади.

Ҳос навхарлар юзбошиси эҳтиром ила тутган косани бир-инки симиди. Аммо таъсирини сезмади. Косани бўшатса-да, май кучини билмади.

Титроқ бош орригига қўшилиб дард кучая бошлади. Иситма кўтарили. У фавкулодда ироди қўчи билан қарсак урди. Ҳозир бўлган юзбoshiга зўр-базёр буюрди:

— Бибихонимни чорланг!

Кейин эса кўрпачага чўзилганча хушидан кетди.

Темурбек ўзига келиб қўзини очганди, ёнида Сароймукл хоним ва таби Мавлоно Фазлуллоҳ Табризийни кўрди.

— Ҳайрият, — чукур нафас олди Бибихоним. — Мавлоно, бутун умидимиз сиздан. Шафқатли тангрим кўлларнинг билан шояд шифо

МУҲАРИРИЯТДАН:

Қадрли илми толиблар! Мана, сиз газетанинг бу йилги бир неча сонларида таниқли журналист ва тарихчи олим Ҳамдам Содиковнинг "Амир Темур" номли тарихий асарининг ниҳояси билан ҳам танишингиз.

Шакисизки, асар сизга соҳибкоронимиз Амир Темурнинг кечишиларидан жуда қимматли маълумотлар берган.

Балки сизда асар мутолааси давомида балъзи тарихий воқеалар, қаҳрамонлар ҳақида саволлар түғилгандир? Агар шундай бўлса, бу ҳақда газетамизга ёзib юборинг. Иложи борича уларга жавоб беришга ҳаракат қиласиз.

Ўйлаймизки, тарихий олимнинг ушбу асари китоб ҳолида чоп этилиб, сизнинг қўлингизга етиб боради.

КИТОБЧА МУБОРАК!

Биринчи китобчаси чиққан одамнинг ҳол-руҳиятини хеч кўрганимисиз? У дўсти-ерининг кўзига "қачон мени табриклар экан", деб тикилиб туради. Жудаям сабри чидамай, юраги тошиб кетса, "менинг китобим чиқди", деб кўрсатади. Мен кўплаб бунинг гувоҳи бўлганиман.

Гап шундаки, шу бир йил орасида икки ўқувчи-менга ўз китобчасини совға килди. Уларнинг бири — Дилфузга Расул қизи. Иккинчиси — Оллоёр Бобонов. Иккаласи ҳам Кашқадарё фарзанди. Иккаласи ҳам — Республика нафис Санъат мактаб-интернатининг юкори синфида бирга ўқиши. Ўтган йили Дилфузанинг "Учаётган турналар"

Наврӯз

Энг муқаддас кундир бу.
Ётдир жанжал, тўполон.
Нияти пок инсонлар
Қадашарлар ерга дон.

Қуёшжон

Бизла тер тўкар
Кун бўйи қуёш.
Үйқуга кетар
Пишган чорға ош.

Сингилгинам

Тўқилган олмалардан
Еявер, деса дадам.
Шохга қараб кўл чўзар.
Атай, қайсан Мухтарам.

Кизиқувчанлик курсин

Кўшнисин ойнасига
Коҷди бирор отиб тош.
Кимлигин билмоқ бўлиб
Балога қолди Йўлдош.

Гўдак-да

Синглим нолир: "Челакчамни
Сувга солсан тўлмайди!"
Таги катта тешиклигин
Нодонгинам билмайди.

Ойга боқиб

Бир жумбоқ кийнар
Жажжи Ботирни:
"Ким ёпар ҳар кеч
Кўкка патирни?"

Баҳона топди

Хол укасин йиқитиб
Қонатибиди тишини.
Дадажони койиса,
Дер: "Ўргатдим "у-шу"ни".

Ўчирғич

Хато ёса қаламим
Рахм-шафқат қилмайди.
Бу хатога йўл қўйган
Мен эканим билмайди.

Аълочи хасис

Хошим зиқна кўпириб
Мақтаса-да "беш"ини.
Кўчирмоққа кўрсатмас
Берилган уй ишини.

Сизнинг китоб жавонингизга

"Меҳмон қиласай акамни",—
Деб Бўрига югуар.

Олов

Ошпаз бола, майли, тез
Соз битқазай ишингни.
Бироқ ёнимда доим
Йигиб тур эс-хушингни.

Варракчи


Варрак учираш Норкул
Дер: "Яйра, уч, капитарим!"
Сўнг бормайди мактабга
Тугади деб дафтари.

Паргор¹

Айланганинг айланган,
Кетолмайсан узокқа.
Ўз оёгингдан ўзинг
Тушибсан-да тузокқа.

Чизғич

Қўлимга олган чогим
Тўғри чиз, деб турасан.
Атрофда эгрилик кўп,
Сен қаердан биласан!



"Укачилик"

Кўриб қолди Тулковой
Қопқон узра гўшт турар.

1/ Циркуль.

300 СЎМГА — БИР ОЛАМ ҚУВОНЧ

Газетамиз саҳифаларида туғилган кун табрикларини эълон қилиш сиз — муштариylар учун одатий бўлиб қолгани бизни беҳад қувонтиради. Чунки — ҳар бир боланинг туғилган кундаги севинчу шодликларига нафақат оила аъзолари ва "Тонг юлдузи", балки республикамиздаги қолган болалар ҳам шерик бўлишяпти.

Хабарингиз бор, шу пайттacha газета орқали табрик эълон қилдириш учун 100 сўм миқдорида пул тўланар эди. Ҳозирги пайтда нарх-наволар, қороз, почта хизмати ҳақларининг кундан-кун ошиб бораётганилиги, "Табриклийиз!" рукнимизга ҳам ўз таъсирини ўтказмай қолмади. Шу муносабат билан бу йил 1 октябрдан газета орқали табрик эълон қилдириш ҳақи 300 СЎМ қилиб белгиланди. Шундай бўлишига қарамай, бир йилда бир марта нишонланадиган фарзандлари туғилган кунида 300 сўм пулини аямайдиган ота-оналар топилиди, деган умиддамиз. Бор-йўги 300 сўм пул тўлаб, фарзандингиз учун ажойиб, кутилмаган совға ҳамда бир олам қувонч баҳш этишини истасангиз, "Тонг юлдузи"


хизматингизга тайёр. Фарзандларингизга аталган жамики эзгу-ниятларингизни газета орқали изҳор этишингиз учун яратилган имкониятни қўлдан бой берманг.

Бунинг учун "Тонг юлдузи" ҳисобига 300 сўм миқдорида пул ўтказганлигингиз ҳақидаги квитанция ҳамда фарзандингизнинг оқ-қора тасвирдаги суратини бир ой олдин бизга ўборсангиз кифоя. Бу ёгина бизга кўйиб бераверинг.


Бизнинг реквизит: **ЎЗБЕКИСТОН САНОАТ-ҚУРИЛИШ БАНКИННИГ ТОШКЕНТ ШАҲАР БЎЛИМИ. Ҳисоб рақами: 000363106, код: 172682328. корр. счт: 300166428.**

Агарда муҳарририятимизга келиш имконига эга бўлсангиз манзилгоҳимиз қуйидаги:

ТОШКЕНТ ШАҲРИ, 700083, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.



Хитой Ҳалқ Республикаси, Шинжон-үйғур автоном туманининг "Торим ғунчалари" ойномасидан олинди.



Бош мухаррир: Акрам БЕРДИМУРОДОВ.

Таҳрир ҳайъати:
Ф. ЖАЛИЛОВА, Т. КАРИМОВА, А. КЎЧИМОВА,
М. ПИРМАТОВ / масъул котиб/,
М. РАҲИМБЕРДИЕВА, Ш. СУННАТОВ,
Д. ТУРАХМЕТОВА.

Таъсис ятувчилик: **ЎЗБЕКИСТОН ЕИ МАРКАЗИЙ КЎМИТАСИ, ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ**

Газета 1929 йил, 1 авгуустдан "Ленин учунни" номи билан чиқа бошлаган.

Газета ҳафтанинг чоршанба куни чиқади

Маълумот учун телефон: 33-49-45

Бизнинг маизилгоҳи:
700083. ТОШКЕНТ ШАҲРИ,
МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.
Нашр кўрсаткичи: 64563

ТАБРИКЛАЙМИЗ!



Қадрли синдошларимиз Рустамбек, Маҳфузон, Исимиддин, Маҳлиёхон, Бунёдбек, Дилнозон, Муроджон! Туғилган кунларингиз муборак бўлсин! Сизларга узок умр, сиҳат-саломатлик тилаймиз. Ўқиш ва ишларингизда доим омад ёр бўлсин!

Самимий тілаклар билан, синф раҳбарингиз ва синдошларингиз.

Андижон вилояти, Хўжаобод тумани, М. Жўраев номли мактаб. 7-“В” синф ўқувчилари.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуриданаги "ШАРҚ" нашриёт-матбаа концерни. Газета IBM компьютерида терилиди ва саҳифаланди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-УЙ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 000137. Буюртма № Г – 544. 29499 нусхада босилди. Ҳажми – 1 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Қороз бичими А – 3.

Босишга топшириш вақти 19.00. Босишга топширилди 19.00.

1 2 3 4 5 6